

Матлюба ҚАХХОРОВА

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Халқаро муносабатлар ва ижтимоий
фанлар кафедраси профессори,
фалсафа фанлари доктори
matlyuba71@mail.ru

ОИЛА МУҲИТИ БАРҚАРОРЛИГИДА МАЪНАВИЙ- АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ МУАММОСИ

ПРОБЛЕМА ДУХОВНО- НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ В СТАБИЛЬНОСТИ СЕМЬИ

THE PROBLEM OF SPIRITUAL AND MORAL EDUCATION FOR THE WELL-BEING OF THE FAMILY ENVIRONMENT

Аннотация: Инсон шаклланиши ва ривожланишида энг муҳим, бошлангич маскан оила муҳити, шахс ахлоқий онги, хулқ-атвори ва фаолият йўналишини ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Айнан, оиладаги маънавий-ахлоқий муҳит шахс имкониятларини шакллантиради, унинг ижтимоий борлиқ билан муносабатларини ва мулоқотини юзага келтиради. Оиладаги маънавий-ахлоқий қиёфа, таълим-тарбиянинг ўзига хослиги жамиятда соғлом, барқарор маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтиришининг асосидир.

Калит сўзлар: муҳит, ижтимоий муҳит, оила муҳити, барқарорлик, тарбия, ахлоқ, маънавий тарбия, фазилят.

Аннотация: Семейная среда имеет первостепенное место и роль в формировании и в развитии человека. Духовно-нравственная среда в семье формирует формирует возможности индивида, его отношения и общение с социумом. Духовно-нравственный облик семьи, специфика воспитания - основа создания здоровой, стабильной духовно-нравственной среды в обществе.

Ключевые слова: окружающая среда, социальная среда, семейная среда, защита, благополучия, воспитание, нравственность, духовное воспитание, добродетель.

Annotation: The family environment has a primary place and role in the formation and development of a person. The spiritually - moral environment in the family forms a person's abilities, creating his or her

relationship and communication with society. One of the indicators is moral consciousness, behavior, as well as the direction of the individual's activity Spiritual and moral image of the family, the specificity of upbringing is the basis for creating a healthy, stable spiritual and moral environment in society.

Keywords: environment, social environment, family environment, protection, well-being, education, morality, spiritual education, virtue.

КИРИШ

Маълумки, мамлакатимиз ривожланишининг ҳозирги янги босқичи оилавий тарбияда миллий кадриятлардан фойдаланишнинг замонавий мезонларини ўртага ташламоқда. Оиладаги маънавий муҳит ахлоқий тарбия ўчоғи сифатида миллий ахлоқ ва тарбиянинг ўзига хос хусусиятини шакллантиради. Оила муҳити билан алоқага киришиш жараёнида хулқ-атвор меъёрлари, маънавий-ижтимоий ва маданий тушунча ҳамда тасаввурлар, янги-янги қизиқиш ва эҳтиёжлар эгалланиб ижтимоий муҳитда ривожланиб боради. Шахснинг маънавий шаклланишига таъсир этувчи омиллар тўғрисида гапирилганда, биринчи навбатда, шахснинг ўзи, иккинчидан, микро муҳит, учинчидан мезо муҳит ва тўртинчи навбатда, жамият ва ундаги сиёсий, идеологик, маданий-маърифий, иқтисодий соҳаларнинг умумий ҳолатини намоён бўлади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Инсон ва бошқа тирик жонзотлар ҳар бирининг ҳаёт муҳити унинг ўй фазосидан бошлаб ижтимоий муҳит ва яшайдиган муҳитигача бўлган шароит ҳисобланади. Муҳит – бу одамларга таъсир кўрсатадиган ташқи воқеаларнинг йиғиндиси сифатида инсонни ўраб турган, унинг дунёқараши, кайфияти, руҳияти, орзу-умидлари ва хулқ-атворида бевосита таъсир этадиган ташқи олам. Муайян муҳит турли кўриниш ва шаклларда намоён бўлади. Шахс қайси жамиятда яшаса, ўша жамият ҳаётида мавжуд бўлган ва бўлаётган қонун қоидаларга асосан камол топади. Шу жамиятдаги моддий, маънавий ва маданий бойликлардан баҳраманд бўлади, шунингдек, мазкур бойликларни яратишда иштирок этади. Жамиятда яратилган моддий, маънавий ва маданий бойликлар ривожланиш даражасига кўра шахс камолотига ўзига хос таъсир

кўрсатади. Ўз-ўзидан ривожланиш юксак бўлса, у шахсга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади ва шахс фаолияти давомида меҳнати орқали ўз моддий, маънавий ва маданий бойлигини яратиш жараёнида онгини, дунёқарашини, ҳаётини, турмуш тарзини ҳам яхшилаб боради.

Муҳит кенг маънода (макромуҳит) ижтимоий-иқтисодий тизимни ишлаб чиқарувчи кучлар, ижтимоий муносабатлар ва тартиб-қоидалар мажмуини, жамиятнинг ижтимоий онг ва маданиятини ўз ичига олади. Тор маънодаги (микромуҳит) бевосита инсонни қуршаб олган оила, меҳнат, ўқув ва бошқа гуруҳлардан иборат. Ижтимоий муҳит шахснинг шаклланишига ва ривожланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Айни вақтда инсоннинг ижодий фаоллиги, фаолияти таъсирида ижтимоий муҳит ўзгаради, бу ўзгаришлар жараёнида одамларнинг ўзлари ҳам ўзгаради [11:149]. Шахснинг жамиятга таъсири мақсадсиз, режасиз, кўр-кўрона фаолият орқали амалга ошмайди. Инсон ижтимоий қонунларни, ўз ҳаёт шароитларини билиб олгандан кейин, маълум мақсадга қаратилган амалий фаолият кўрсатиш йўли билан ижтимоий муҳитни, жамиятни ўзгартирувчи кучга (инсонга) айланади. Шу сабабли ҳам шахснинг хулқ-атвори, интилишлари, имкониятлари, фикрлаши, қобилияти, ахлоқий тамойиллар (меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, инсонпарварлиги) асосидаги фаоллиги, садоқатлилиги ва бошқа хислат ва фазилатлари шунингдек, иллатлари улар яшаётган ижтимоий муҳитга бевосита боғлиқ бўлади. Ижтимоий муҳит-инсонни ўраб турган ва унинг онги ҳамда хулқига фаол (бевосита ва билвосита, стихияли ва онгли) таъсир ўтказувчи барча ижтимоий шарт-шароитлар, (атрофдаги одамлар, ижтимоий гуруҳ, қатламлар, жамиятдаги тартиб-қоидалар) фаолият ва алоқадорликларни белгилашда хизмат қилувчи фалсафий категориядир. У «сиёсий муҳит», «иқтисодий муҳит», «маънавий муҳит», «ахлоқий муҳит», «илмий муҳит» каби қисмларга бўлинади [9:21, 14]. Уларнинг микро (кичик), макро, мезо (ўрта) ва мего (катта) даражалари мавжуд. Одамнинг ижтимоий мавжудот сифатида тан олинishi, яъни шахс мақомига эришиш учун ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва маънавий-ахлоқий тарбия керак. Инсоннинг таълим-тарбиясида уни ўраб турган муҳит етакчи роль ўйнар экан,

оила, таълим-тарбия муассасаларидаги муҳит соғлом бўлса, ёшларнинг ижтимоий сифати, тайёргарлик даражаси ва билими юқори бўлади.

Айнан оила муҳити энг аввало, шахснинг хулқ-атворини шаклланишида жамиятнинг энг кичик бўғини сифатида муҳим роль ўйнайди. Ваҳоланки, оилада маънавий-ахлоқий муҳит шахс ахлоқий онги, хулқ-атвори ва фаолиятида тамал тоши, ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Дастлаб айнан, оиладаги маънавий-ахлоқий муҳит шахс имкониятларини шакллантиради, унинг ижтимоий борлиқ билан муносабатларини ва мулоқотини юзага келтиради. Шу боис ҳам оилани шахснинг ғоявий, сиёсий, иқтисодий қарашларини шакллантирувчи, теварак-атрофга, дунёга муносабатлари тизимини, яъни дунёқараши, эътиқоди, эҳтиёжлари, кизиқишлари, идеаллари, мотивлари, ҳаётий мақсади йўналишини белгиловчи микромуҳит сифатида тадқиқ этилади. Хулқ – атвордаги муайян миллий, ахлоқий ва маиший тартиб-қоидалар, ўзароҳамкорлик ва ахилликни шакллантирувчи илк макон сифатида оила ўзига хос микро муҳитлар табиатини кашф этади. Шахс ёки жамоанинг ички руҳий оламини ифода этувчи маънавийлик, шунингдек, инсонларнинг хулқ-атвори воситасидаги маънавий оламини ҳамда характерини англатувчи ахлоқийлик, яъни маънавият ва ахлоқ омили оилада соғлом, барқарор муҳитни қарор топтиришда устиворлик касб этади. Шу боис ҳам Ўзбекистон республикаси Президенти “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир” [3: 252] деб қайд этар эканлар ёшлар ахлоқи уларнинг маънавий камолоти масаласи нафақат бугунги кун, балки, эртанги порлоқ келажак гарови эканлигига урғу беради. Ёшлар тарбияси билан боғлиқ маҳаллий ва глобал муаммолар ечими эса, айнан оила муҳити ва ундаги маънавий-маърифий даража билан бевосита ва билвосита боғлиқ масала ҳисобланади.

Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас ватан саналган. Агар оилалар муҳити соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжихатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла, юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда

осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги миллий фаровонлик асосидир. Шу боис ҳам ҷамиятда оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилининг тўлақонли ва самарали жорий этиш, оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, «Соғлом оила - соғлом ҷамият» ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини юритиш [1] доирасида қаралмоқда. Модомики, ҳар қандай ҷамият соғлом фарзанд туғилишидан ҳамда ушбу фарзандларнинг эмин-эркин, маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишидан манфаатдор экан, демак ҷамиятда оила муҳити ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Оила муҳитининг соғломлигида ундаги ҳар бир аъзонинг ўз салоҳиятини такомиллаштириши учун маънавий оламини бойитувчи билимларни эгаллаши ва бу борадаги маърифий фаолият зарур бўлиб, оила ва унинг аъзоларининг маънавий мулкига айланган билим уларга хоҳиш-истакларини чегаралай билиш, ўзини ташқи таъйик ва таъсирлардан ҳимоя қилишда восита бўлиб хизмат қилади. Яъни, маънавий жиҳатдан баркамолликка интилган, эришган оиладаги ҳар бир шахс ҳар қандай муҳитда ўзини тута билиши билан бирга, ўзи мавжуд бўлган микро, макро ҷамоада (оила, маҳалла, таълим тизимининг барча босқичлари ва иш жойи) соғлом муҳит яратиш ва инсонларга самимий муносабатда бўлишдан қониқиб яшайди. Бу каби маънавий-ахлоқий барқарор муҳитда камол топган шахс-хулқ атворида ёмонлик, адолатсизлик, қонунбузарлик, Ватан манфаатларига зид хатти-ҳаракатларга тоқатсизлик, иллат ва камчиликларга қарши курашчанлик шаклланган бўлиши билан бирга, уларда ирода, шижоат ва фаоллик жўш уриб туради.

Оила муҳитида шакллантирилган онглилик ва хулқилик шахсни иллатлардан сақлайди. Шу маънода, оила маънавий-ахлоқий муҳитини ўрганишда фикр янгилиги ва маънавий етуклик парадигмаси асосли бўлиб, ўзига хос кўринишда намоён бўлади. Маънавий етукликка интилиш бу ҷамият ҳаёти ва инсон фаолиятида шахснинг ўз инсоний позициясига мустаҳкам эга бўлиши бўлиб, у ижтимоий-ахлоқий мезонлар асосида хулқ-атворга мувофиқ яшашидир.

Оила омилининг илмий фалсафий тавсифи мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ривожланишини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Ҷамият ҳаётининг ўзгариши, маълум жиҳатдан оилага, унинг аъзолари дунёқараши, интилишлари ва ташаббусларига боғлиқ бўлганлиги боис, бу муаммони ўрганиш ва таҳлил этиш долзарб жараён ҳисобланади. Ижтимоий-фалсафий адабиётларда шахс ҳаётини бир-бирига диалектик боғлиқ жараёнлар – болалик, ёшлик, етуклик ва кексаликка бўлиб ўрганиш кенг тарқалган. Ушбу жараёнларни таҳлил қилган ва уларга хос хусусиятларни аниқлаган Б.Г.Ананьев [6: 154-162] ҳар бир ҳаётий босқич маълум бир қадриятларни ҳаётий мақсад қилиб қўйишини таъкидлайди. У ўз тадқиқотларида муайян муҳит ва унинг кўрсаткичлари ёш авлод дунёқаришига, билиш даражасига ҳар томонлама таъсир қилишини таъкидлар экан, таълим-тарбия, авлодлараро мулоқот, илмга интилиш асосий қадриятлар сифатида келиши, айниқса ёш авлоднинг ўз ҳаётий мақсадини белгилашида оила муҳитида шакллантирилган ахлоқий сифатлар, ижтимоий-маънавий қадриятлар муҳим эканлигини илмий жиҳатдан асослайди.

Чунки, оиланинг ижтимоий институт сифатидаги функциясини, бажарадиган вазифаларини бошқа бирон бир тузилма бажара олмайди. Биринчидан, у инсон учун энг яхши хулқ намуналарини ўзлаштиради, иккинчидан, бошқа муҳитлар билан ҳамкорлик қилади, учинчидан, мулоқотни мустаҳкамлайди, тўртинчидан энг муҳим масала авлодлараро жамланган “ҳаёт тажрибалари”ни ворисийлик қонунияти асосида давомийлигини таъминлайди. Агарда **шахснинг шаклланишида** биологик, табиий ва маданий муҳит, ижтимоий тажриба, одамлар билан муносабат каби омиллар муҳим аҳамият касб этишини инобатга олсак, буларни барчаси оилада мужассамлашгандир. Оила ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнида турли анъана, маросим, урф-одат, расм-русумларни вужудга келтирганки, булар ҷамиятнинг ривожланишига, шахснинг ҳар томонлама, жисмоний, маънавий жиҳатдан камолотга эришишига, унинг ҳаёт тарзига ўз ижобий таъсирини ўтказиб келган.

Шахснинг шаклланишида, шахс маънавиятининг таркиб топиши ва

ривожланишида оиланинг ўрни, аҳамиятини ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди.

Бу жиҳатлар эса халқимизда, аҳолида миллий характер, миллий темперамент, миллий орзу, миллий истак, миллий ғурур, миллий шараф, миллий эътиқод, миллий қадрият ва миллий хотира таркиб топишида муҳим аҳамият касб этади.

Инсон маънавиятини шакллантиришнинг энг мақбул маскани оиладир. Оила қайси миллатга мансуб бўлса, ўша халқнинг маънавиятини ўзида мужассамлаштириб, бир неча асрлик тарихга эга бўлган анъаналарни, маънавиятни авлоддан-авлодга етказди. Зеро, шахс маънавияти, унинг дунёқараши, эътиқоди, ҳаётий тамойиллари, идеаллари, қадриятлари, кўникмалар мажмуи асосан оилада шаклланади. Шу маънода, оила маънавият кўрғони ҳисобланиб, оила қайси миллатга тааллуқли бўлса, ўша миллатнинг маънавиятини ўзида акс эттиради. Демак, ўзбек оиласининг ўзига хос миллий характери, оиладаги шахслараро муносабатларда намоён бўлиши, турли оилавий маросимлар, урф-одатлар, анъаналар, миллий-маънавий қадриятларимиз оила орқали намоён бўлади. Ўзбек оилаларидаги ўзаро ҳурмат, эҳтиром, ота-онага эъзоз, фарзандларга меҳр-шафқат ва кичикларга иззат-икром бу кишини баркамол инсон, мукаммал шахс сифатида шакллантирадиган, ахлоқий ва маънавий жиҳатдан гўзал ҳамда етук қиладиган, инсоний фазилатларни ривожлантирадиган қадриятлар бўлиб ҳисобланади. Ва бу қадриятларнинг мазмун-моҳияти фарзандлар онгига дастлаб оила муҳитида тарбия орқали сингдирилади. Бунда инсоннинг ахлоқий онги, хулқ-атвори ва фаолияти аксиологик асосларда йўналтирилиб борилади.

Тарбия инсонга мажмуавий таъсир кўрсатиш жараёни ва натижаси сифатида оила муҳитининг барқарорлигини таъминлашга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Маълумки, тарбия ёш авлодни жамиятда яшашга мақсадли тайёрлаш жараёни бўлиб, махсус ташкил этилган давлат ва жамоат институтлари орқали амалга оширилади, йўналтирилади. Шунингдек, жамият томонидан назорат қилинади ва тузатишлар киритиб коррекциялаб борилади. Тарбияни умум фалсафий маънода инсоннинг кенг дунёқарашга

эга бўлиши ва ҳаёт мазмундорлигини англаб етиши, мавжуд шарт-шароитларга мослашиш деб тушунилса, ижтимоий маънода авлодлараро мулоқот, ворисийлик, катта авлоднинг ҳаётий ва хулқ-атвор тажрибаларини ёш авлодга узатиш жараёни сифатида тушуниш мумкин. Ўз навбатида тарбия жараёнини самарали ташкил этиш оила ва боғловчи муҳит махсус ҳамкорлигини, айниқса катта авлод масъулияти ва тажрибаси орқали ёшлар онги, хулқ-атвори ва иродасига таъсир кўрсатишдаги онглилик, эзгу мақсадлилик, тизимлилик ва ибратлилик тамойилларини тақозо этади. Оила муҳити ва унинг маънавий-ахлоқий кўрсаткичлари оила бошқарувчиларининг (ота-она, бобо-буви ва ҳз) онгли ва эркин ахлоқий танлови асосидага ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш, тарбиявий фаолият аниқ тарбиявий масалалар натижасида номоён бўлади.

Мустақил Ўзбекистон тараққиёти онгли равишда ўз олдида учинчи ренессанс пойдеворини яратишни таълим-тарбия ислоҳоти ва ёшлар салоҳияти орқали амалга оширишни мақсад қилиб олди. Демак, тарбияга ижтимоий ҳодиса сифатида қараб, тарбия жамият манфаатларини кўзлаб ва унинг ривожланганлик даражасига мувофиқ равишда амалга оширилиши лозим. Хўш нима учун тарбияга ижтимоий ҳодиса сифатида қарашимиз керак деган ўринли савол туғилади албатта. Чунки тарбиянинг моҳиятида ижтимоийлик, жамоатчилик мавжуд бўлиб биринчидан оила муҳитидаги тарбиянинг ўзи ҳам ота-она, катта авлод, қариндош уруғлар, (бобо-буви, амма-хола, тоға-амаки, опа-акалар-у), қўни-қўшнилари, маҳалла томонидан, фарзандларимизни, ижтимоий ҳаётга тайёрлашни, иккинчи томондан, эса жамият муҳитининг ўзи ҳам ўсиб келаётган ёш авлодни маълум йўналишда тарбиялашга қўмаклашадиган тизим сифатида ташкил этилишида ўз ифодасини топади. Унда ижтимоий воқеликдаги ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-маданий алоқадорлик, бошқариш, назорат қилиш ва ижтимоийлаштириш каби бир қатор ижтимоий омиллар мавжуд. У ижтимоий аҳамиятли хулқ-атвор намуналарига одатлантириш сифатида кенг ижтимоий доиранинг (кичик (микро муҳит), ўрта (мезо муҳит) ва катта (макро муҳит) гуруҳ ва ҳамжамятлар) ўзаро ҳамкорлиги жараёнида амалга оширилади.

Шунингдек, тарбиянинг ижтимоий моҳияти унинг узлуксизлигини таъминловчи маълум қонуниятларга риоя қилиш, аксоилогик ёндашув асосида ахлоқийликни ривожлантириш, ирода, масъулият ва жавобгарлик, бурчга садоқат асосида маънавий такомиллашувга интилиш функциялари унинг турларидан бири бўлган маънавий-ахлоқий тарбияга ҳам тааллуқлидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “...ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда. “Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди,... тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди” [2: 505]. Шу боис ҳам, Янги Ўзбекистон стратегиясида “янги авлодни халқ ва жамият, миллат ва давлат манфаатларини кўзлайдиган, ўзини юрт манфаатлари билан бирга кўрадиган ва ислохотларга дахлдорлигини, ижтимоий масъуллигини сезадиган, етук инсон қилиб тарбиялаш” [4: 232] кечиктириб бўлмайдиган, доимо давлат сиёсатининг устивор йўналиши сифатида жамиятнинг ҳар бир аъзоси масъуллигида амалга оширилиши шарт бўлган вазифа эканлиги қатъий белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда оила масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас, албатта. Зеро, юрт тараққиётининг тамал тоши жамиятимизнинг асосий бўғини бўлмиш оилада қўйилади. “Маънавий-ахлоқий тарбия жамиятда ахлоқни қайта яратиш, тадқиқ қилиш шакллари билан бири” [7: 30-36] сифатида шахсда – жамият юксалиши ҳақида қайғуриш, низоларни бартараф этишга интилиш, умумий манфаат учун жамоада ишлашга тайёрлик, ўзгалар нуктаи назарини қабул қила олиш, ўз ҳаракатларига масъулият билан ёндошув, ўзи ва ўзгалар ҳақида қайғуриш, ўз хатти-ҳаракатларининг бошқаларга қандай таъсир этишини ўйлаб иш тутиш, ўз хатти-ҳаракатларининг қутилмаган натижалари учун жавоб бера олиш, масъулиятлили ва бағрикенглик, индивиднинг сиёсий самарадорлиги, умумий муваффақият ва охир-оқибат энг муҳими жамиятнинг маънавий юксалиши учун ўта муҳим [12: 215-220] ижтимоий-ахлоқий сифатларни қарор

топтиришга қаратилган жараён ҳисобланади. Маълумки, тарбиянинг умумий ижтимоий вазифаси – ёш авлодда билим, кўникма, ижтимоий тажриба ва ахлоқ меъёрларини шакллантиришдан иборат. Шунга кўра, ёш авлодга тарбия бериш – мақсадга йўналтирилган тарбиявий таъсир кўрсатиш, ижтимоий ҳаётда муносабатга киришиш меъёрлари ва унга риоя этиш талаблари бўйича зарурий шарт-шароит яратишни назарда тутати. Ваҳоланки шахсда ижтимоий-ахлоқнинг юксак даражада бўлиши жамият ривожига ижобий таъсир қилади. Айни пайтда, ахлоқ жамиятнинг барча жабҳаларига кириб бориши ва унга жамият аъзоларининг амал қилиши ижтимоий, сўнгра ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиради” [5: 9]. Ахлоқ инсон хулқини, тафаккурини тартибга солиб, муайян мақсад сари етаклайди. Бу борада энг аввало, инсон ўз табиатидаги ахлоқийликнинг асосий элементи бўлган «эзгулик учун бурчли эканлиги» [8: 42] ни англаши муҳим ҳисобланади. Қайд этиш керакки, оиладаги барқарор маънавий-ахлоқий муҳит инсон табиатидаги тубанлик иллатларини тузатиш ва ислоҳ қилиш имкониятига эга бўлиб, шахс фаолиятида мажбурият ва бурчга садоқат фазилатларини шакллантиради. “Айнан таълим тарбия ва маърифат жамият барқарорлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр қанроатли бўлишга ундайди” [4: 285]. Бунинг учун бу муҳитда меҳр-оқибатлили, муруватлили ва шафқатлили тамойиллари қатъий таркиб топган бўлиши, унинг ҳар бир аъзоси ўз вазифа ва мажбуриятларини англаши лозим.

ХУЛОСА

Ҳар бир оила муҳитида саховат, яхшилиқ, *қарамлилиқ*, ҳалимлиқ шакллантирилса бу истиқболда жамият муҳити мўътадиллигини, истиқболлини таъминлайди. Биламизки, қарамли инсон нафақат яхши хулқлар билан безанади, балки эл манфаатини ўз манфаатидан устун қўя олади. Оила муҳитида шакллантирилган ҳалимлиқ асосида шахс-хулқ атворида авф (кечиримлилиқ); муроса (қелишувчанлилиқ); мулоимлилиқ (мўътадиллилиқ) каби хулқий сифатлар шакллантирилади. Демак, ўзлигида ҳалимлиқ фазилати бўлган киши руҳан қучли инсон ҳисобланади. Ҳалимлиқ шахс-хулқ

атворидаги нодонликка қарши хушхулқликдир ва ушбу фазилят кишини тинчликсевар инсон сифатида вояга етказди. Ор-номус ва андиша инсоннинг хулқ-атворида, эътиқод-иймонида, юриш-туришида, фикр-мулоҳазасида намоён бўлади. Ор-номусли ва андишали киши қатъий интизом эгаси бўлади.

Адолат, бурч ва масъулият сифатларига эга шахс ахлоқий онг, қиёфа (хулқ-атвор) ва фаолиятда етук ҳисобланади. Ирода, бурч ва масъулият олий маънавий-ахлоқий фазилятлар бўлсада, улар муайян маънавий муҳитда шахснинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатида намоён бўлади.

Маънавий-ахлоқий фаолият кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро муносабатларини тартибга солувчи маънавий юксак норма ҳамда қоидаларни ифодалайди. Жамиятдаги муносабатлар маънавий-ахлоқий тамойиллар асосида шаклланади, ижтимоий ривожланишнинг муҳим жиҳати сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам жамиятда амалга оширилаётган ислохотларнинг дастлабки босқичидаёқ кишиларнинг тафаккурини уйғотиш, ташаббускорлигини, фаоллигини ошириш маънавий ислохот асосини ташкил этади, чунки, ҳурфикрлик тамойилларига кўра, ривожланаётган мамлакатларда фикрлар эркинлиги ва онгли фаолият, ахлоқийлик жамият тараққиётининг омилдир.

Жамият тараққий этган сари ахлоқий муносабатларга эътиборни кучайтириш эҳтиёжи туғилиши аниқ. Ривожланиш, ўсиш, тараққий этиш учун тарбиявий жараён, тарбиявий фаолият, фидойилик ва ватанпарварлик керак. Тарбия, тарбиявий фаолият эса ахлоқий фазилятларни сингдиришдан, маънавий кадриятларни ўзлаштириш ва шакллантиришдан бошланади.

Инсон маълум мақсадга қаратилган амалий фаолият кўрсатиш йўли билан жамиятни ўзгартурувчи кучга айланади ва соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни яратади. Инсон фақат тарихий шароит ва унинг маҳсулигина бўлиб қолмай, балки шундай шароитларнинг яратувчиси ҳамдир. Ижтимоий ҳаёт ҳар бир шахснинг ўз бурчини кўр кўрона бажариш эмас, балки унга онгли муносабатда ахлоқий тамойиллар асосида ёндошишни талаб қилади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада кўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон Фармони // www.lex.uz.
2. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Ж. 1. // Жисмоний ва маънавий баркамол ёшлар - бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Ж. 2. // Инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш - демократик жамият асосидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 512 б.
4. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – 458 б.
5. Алимардонов Т. Сиёсат ва ахлоқ. – Тошкент: Фан, 2005. – Б. 219.
6. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. – Л.: ЛГУ, 1999. – С.154-162.
7. Qaxharova M. (2021). SOCIAL-SPIRITUAL ENVIRONMENT OF SOCIETY AND SPIRITUAL IDEAL. Oriental Journal of Social Sciences, – P. 30-36.
8. Мур Дж. Принципы Этики. – Москва: Прогресс, 1984. – 42 с.
9. Нормуродов Б. Ижтимоий муҳит ва унинг тараққиётдаги ўрни ва роли // Таълим– тарбия жараёнида ижтимоий муҳитнинг роли. – Қарши, 2004. – 21 б.
10. Педагогический энциклопедический словарь. – Москва: Большая Российская энциклопедия, 2003. – Б.171.
11. Фалсафа қомусий луғат. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2004. – 149 б.
12. Фахрутдинова А.В. Общее и особенное в подходах к гражданскому воспитанию в США, Канаде, Австралии и Великобритании / Фахрутдинова А.В. // Образование и саморазвитие. – 2011. – № 4. – С. 215-220.
13. Хондамир Ғ.Б. Макоримул-ахлоқ (яхши хулқлар). – Тошкент: Ғ.Ғулом, 1967. – 97 б.
14. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти // <https://qomus.info> // onlayn ensiklopediya.
15. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила. – Тошкент: «Hilol-Nashr» нашриёт-матбааси, 2021. – 528 б.